

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР: КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

ИНОМЖОН БОТИРОВ

Ўзбекистон Республикаси Криминологик
тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Мақола темир йўл транспортида содир этилган жиноятларнинг криминологик тавсифига бағишланган бўлиб, ушбу соҳадаги жиноятчиликнинг асосий хусусиятлари ва уларнинг олдини олиш чоралари таҳлил қилинган. Маълумотлар ва статистикалар асосида, Ўзбекистондаги темир йўл транспортининг ривожланиши ва унинг аҳамияти, шунингдек, транспортда содир бўладиган жиноятлар, уларнинг сабаблари ва шартлари кўриб чиқилган. Мақолада жиноятчиликнинг латентлиги, жиноятчиларнинг шахсият хусусиятлари, жиноятларнинг турлари (масалан, фирибгарлик) ва профилактика чораларига оид муҳим маълумотлар келтирилган. Шунингдек, жиноятларнинг олдини олишда фуқароларнинг ҳуқуқий ва ахборот саводхонлигини оширишнинг аҳамияти таъкидланган.

Таянч сўзлар: темир йўл транспорти, жиноятчилик, криминологик тавсиф, жиноятчининг шахси, профилактика, фирибгарлик, латентлик даражаси, транспорт хавфсизлиги, иқтисодий омиллар, ахборот технологиялари, транспорт инфратузилмаси

ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СОВЕРШЕННЫЕ В СФЕРЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА: КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА

Статья посвящена криминологическому описанию преступлений, совершаемых на железнодорожном транспорте, анализу основных особенностей преступности в этой сфере и мер по ее предотвращению. На основе данных и статистики рассматривается развитие железнодорожного транспорта в Узбекистане и его значение, а также преступления, совершаемые на транспорте, их причины и условия. В статье представлена важная информация о латентности преступлений, личностных характеристиках преступников, видах преступлений (например, мошенничество) и профилактических мерах. Также подчеркивается важность повышения правовой и информационной грамотности граждан в предотвращении преступлений.

Ключевые слова: железнодорожный транспорт, преступление, криминологическое описание, личность преступника, профилактика, мошенничество, уровень задержки, безопасность транспорта, экономические факторы, информационные технологии, транспортная инфраструктура

CRIMES COMMITTED IN THE SPHERE OF RAILWAY TRANSPORT: CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTICS

This article provides a criminological description of crimes committed in rail transport, an analysis of the main characteristics of crime in this sector, and measures to prevent them. Using data and statistics, it examines the development of rail transport in Uzbekistan and its importance, as well as crimes committed in this sector, their causes, and conditions. The article provides important information on the latency of crimes, the personal characteristics of criminals, types of crimes (e.g., fraud), and preventive measures. It also emphasizes the importance of improving citizens' legal and information literacy in crime prevention.

Keywords: rail transport, crime, criminological description, criminal identity, prevention, fraud, delay level, transport safety, economic factors, information technology, transport infrastructure

Маълумки, темир йўл транспорти ҳам мамлакатимизда ўз тарихига ва анъаналарига эга транспорт соҳаси сифатида тараққий этиб келмоқда. Юртимиз ҳудудининг катта қисми (78,7 %) ни текисликлар ташкил этганлигидан, темир йўл қуриш ва ундан фойдаланиш мактаби шаклланигандан, темир йўл транспортининг иқлимга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракатланишидан келиб чиқадиган бўлсак бу соҳанинг аҳамияти янада намоён бўлади.

Юртимизда темир йўл транспортининг ўрни, тарихи, ривожланиши ва истиқболи ҳақида маълумот берувчи манбаларнинг етарли эмаслиги, борлари ҳам тармоқ доирасида тор йўналишдагина маълумотлар бериш билан чекланиб қолганлиги шу соҳани янада чуқурроқ ва таҳлилий-мажмуавий равишда ўрганиш заруратини кун тартибига қўяди. Темир йўл транспорти географияси тўғрисида маълумотларга асосан умумий равишда транспорт географиясига оид адабиётлар, мақолалар, монографияларда бир бўлим сифатидагина тўхталиб ўтилади. Бу манбаларда ҳам асосан темир йўлларнинг узунлиги, электрлашганлиги ташилган юк ва йўловчи кўрсаткичлари билан чекланилади. Бу эса маълумотларни тўлиқ олиш имконини бермайди. Соҳага оид маълумотга эга бўлиш учун бир неча адабиётларга, интернет ресурсларига мурожаат қилиш заруратини туғдиради.

Ҳозирги кунда 2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон темир йўллари умумий узунлиги 6950,0 км.дан ортиқни ташкил этиб, шундан 2500 км. темир йўл электрлаштирилган [1].

Статистика агентлигининг расман маълум қилишича 2024 йилда темирйўл транспортида 9 млн 803,6 минг йўловчи [жўнатилган](#) [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 март кундаги “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда мунтазам равишда “Темир йўлларда хавфсиз кун” профилактик тадбири ўтказилиб келинмоқда [3].

Ушбу тадбирда темир йўл объектларида содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, темир йўлнинг икки томонида ўрнатилган бетон девор, темир панжара, тиканли тўсиқларнинг яроқлилиги, фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан яратилган пиёдалар ўтиш жойларини ҳамда ноқонуний қурилма, савдо шохобчалари, маҳаллий аҳоли томонидан темир йўл атрофига ташлаб кетилган маиший чиқиндиларни ҳудудий ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида (6-модда) ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўрт тури: умумий, махсус, яқка ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари аниқ белгилаб қўйилган[4]. Мазкур профилактика турларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс тартибга солишида намоён бўлади. Хусусан, “ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муайян бир тури бошқасидан ўзига хос хусусият, яъни индивидуаллиги билан фарқланиши лозимлиги ҳам қайд этилган”. Ушбу чора-тадбирларга ёндошадиган бўлсак, индивидуаллик ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар тоифалари билан ишлашнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Сабаби шундан иборатки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг индивидуаллиги уларнинг бир-бирида такрорланмайдиган ўзига хос жиҳатлари ҳисобланади.

Криминологик тавсиф тушунчаси илмий юридик манбаларда турлича ёритилган. Жумладан, **криминологик тавсиф** бу криминология мавзулари ва улар билан боғлиқ бўлган воқеа, ҳодиса, жараёнлар ҳақидаги криминологик билимлар мажмуидир. Криминологик билимларга ва тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда жиноятчиликнинг, унинг алоҳида турларининг,

жиноятчиликни тақозо этувчи ва таъминловчи омилларнинг, жиноятчи шахсининг, тоифаларининг **криминологик тавсифи** бериледи.

Криминологик тавсиф элементларига қуйидаги маълумотлар киради:

а) жиноятчиликнинг аҳволи, йўналиши, даражаси, тузилиши, географияси, оқибатлари, латентлик даражаси;

б) жиноятчи шахсининг ўзига хос ижтимоий–демографик белгилари, ақлий етуклик даражаси, маънавий хислатлари ва қадриятлари, руҳий жараёни ва хислатлари, жинсий–хуқуқий белгилари, биофизиологик хусусиятлари;

в) жиноят қурбонларининг ўзига хос маънавий–руҳий хусусиятлари;

г) криминоген омилларнинг аҳволи, даражаси, географияси ва таъсир қилиш механизми;

д) антикриминоген омиллар аҳволи, даражаси, географияси ва таъсир қилиш механизми.

Криминологик тавсифга асосан жиноятчиликнинг, унинг алоҳида турларининг ва муайян жиноятларнинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилади[5].

Темир йўл транспорти объектларида содир этиладиган жиноятлар, кўпинча, транспорт воситаларига зарар етказиш, товар-моддий бойликларни ўғирлаш, контрабанда, йўловчилар хавфсизлигига таҳдид солиш ва транспорт инфратузилмасига қарши қаратилган жиноятларни ўз ичига олади. Бу жиноятларнинг сабабларига иқтисодий қийинчиликлар, ноқонуний даромад топиш истаги ва транспорт тизимидаги заифликлар киради.

Статистика шуни кўрсатадики, ички ишлар органларининг транспорт хавфсизлигини таъминлаш соҳасида 2024 йилнинг 10 ойига қараганда 2025 йилнинг 10 ойи даврида 43 фоизга камайишига эришилган бўлса-да бу кўрсаткич республика бўйича 2,6 фоизга ошган, ахборот технологиялардан фойдаланиб содир этилган жиноятлар сони эса, ҳисобот даврида 15 тага ошган[6].

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, темир йўл транспортида содир этилган жиноятларнинг латентлик даражаси юқори. Латентлик даражасини бундай юқорилиги темир йўл транспортининг ўзига хос хусусиятига оид бир қатор омилларга боғлиқ. *Биринчидан*, бу соҳадаги кўплаб жиноятларнинг қурбонлари асосан йўловчилар бўлиб, улар поездларини ўтказиб юборишни, тўхташни ёки тушишни истамай, кўпинча ўзларига қарши содир этилган жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермайдилар. *Иккинчидан*, темир йўл транспорти ходимлари, айниқса юк ташиш хизмати кўрсатувчилар, юк ташувчилар ва қабул қилувчиларга нисбатан сезиларли босимларга эга (улар юкларни юклаш, жўнатиш ва туширишни кечиктириши мумкин), бу эса қабул қилувчининг манфаатларига мос келмайди, улар йўқолган ёки шикастланган, шу жумладан жиноят натижасида юкларни қабул қилишни афзал кўришади [7].

Бундан ташқари, темир йўл транспортига хос ҳаракатлар темир йўл транспортида содир этилади. Буларга темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, транспорт турига хос бўлган ташилаётган товарларни ўғирлаш каби ҳаракатлар киради.

Шундай қилиб, темир йўл транспорти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳаси бўлиб, ўзига хос ўзига хослик ва хусусиятларга эга.

Темир йўл транспортининг ушбу «тармоққа хос» хусусиятлари ушбу транспорт соҳасидаги жиноятчиликнинг тузилиши ва бошқа кўрсаткичларига таъсир қилувчи ва уни жиноятчилар учун анча «жозибадор» қиладиган маълум криминологик жиҳатдан аҳамиятли омилларни белгилайди.

Шу билан бирга содир этилган жиноятларнинг криминологик тавсифи деганда, жиноятларнинг турли соҳалари (маиший-турмуш, фирибгарлик, зўравонлик ва б.) бўйича содир этилиш сабаблари, шароитлари, жиноятчининг шахси, жиноятнинг мотивлари, ҳудудлар бўйича таҳлили ва уларга қарши курашнинг профилактика чораларини ўрганувчи криминологиянинг муҳим соҳаси деб таъриф бериш мумкин. Жиноятларнинг криминологик тавсифи ўз навбатида нафақат қилмишнинг ўзини, балки жиноятчи, жабрланувчининг шахсини, жиноятларнинг содир этиш ҳолатларини, уларнинг сабаблари ва шартларини, шунингдек, одатий усуллар ва оқибатларни ҳам ўз ичига олган кенг қамровли тавсифни ўз ичига олади. Бу эса, жиноятларни ким содир этишини, уларни қандай содир этишини, нима учун содир этишини, кимга зарар етказилганини ва оқибатлари қандай бўлишини тушунишга имкон беради, буларнинг барчаси самарали жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Муайян турдаги жиноятларнинг криминологик тавсифига оид таҳлилларимизни давом этиб, фирибгарлик жиноятларининг криминологик тавсифи ҳақида тўхталиб ўтамиз. Фирибгарлик жиноятларининг криминологик тавсифи масалан, безориликдан тубдан фарқ қиладди, чунки бу ерда зўравонлик эмас, балки алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш асосий усул ҳисобланади. Фирибгарликнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Жиноятнинг объектив хусусиятлари:

Бошқа шахснинг мулкини ёки мулкий ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш. Жиноятнинг объекти бевосита мулкдир.

Интеллектуал хусусиятга эга. Жиноятчи жабрланувчини онгли равишда адаштиради, унинг ишончига киради ва шу йўл билан ўз ихтиёри билан мулкни топширишга ёки мулкий ҳуқуқни ўтказишга мажбур қиладди.

Замонавий фирибгарликда ахборот технологиялари (телефон, интернет, банк карталари, сохта хужжатлар) кенг қўлланилади.

Жиноятчи шахсининг тавсифи:

Ёши ва жинси: Аниқ ёш чегараси йўқ, лекин кўпинча ўрта ёшли (25-50 ёш) шахслар учрайди. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам иштирок этиши мумкин.

Ижтимоий аҳволи: Ташқи томондан обрўли кўринишга эга бўлиши мумкин. Кўпинча ишсизлар ёки фаолият тури ноқонуний бўлган шахслар.

Маълумоти ва интеллект: Фирибгарлик содир этувчилар одатда ўрта ёки олий маълумотга эга, нутқи равон, психологиядан яхши хабардор бўлишади.

Психологик хусусиятлари: Юқори даражадаги айёрлик, манипуляция қилиш қобилияти, виждонсизлик, эмпатиянинг (ўзгалар дардини тушуниш) йўқлиги, тезкор бойиш истаги.

Рецидив: Такрорий фирибгарлик ҳолатлари кўп учрайди, чунки бу “касб”га айланиши мумкин.

Криминологик омиллар ва сабаблар:

Ижтимоий-иқтисодий омиллар: Аҳолининг ҳуқуқий ва молиявий саводхонлигининг пастлиги, иқтисодий қийинчиликлар, пул топишнинг енгил йўллари излаш.

Психологик омиллар: Одамларнинг соддалиги, тез бойишга ёки арзон нарсага эга бўлишга бўлган интилиши.

Технологик омиллар: Интернет ва мобил алоқаларнинг оммавийлашуви фирибгарлик учун янги “майдонлар”ни яратмоқда (фишинг, онлайн-қарзлар).

Профилактика қийинлиги: Фирибгарликни олдини олиш кўпинча фуқароларнинг огоҳлигига ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ бўлиб қолади.

Фирибгарлик жиноятларининг криминологик тавсифи шуни кўрсатадики, бу турдаги жиноятларга қарши курашишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши, балки аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, айниқса замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишда огоҳликни ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Криминологик тавсиф бу маълум бир жиноят тури, жиноятчилар гуруҳи ёки алоҳида жиноятчи шахсининг муҳим хусусиятлари ва белгилари мажмуини ўрганиш ва тизимлаштиришдир. Ушбу тавсифнинг асосий мақсади жиноят содир этилишининг сабаблари, шароитлари, механизмларини тушуниш ва шу асосда самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқишдан иборат [8].

Бизнинг фикримизча, темир йўл транспортида жиноятчиликнинг икки гуруҳини ажратиш мумкин, яъни:

1) умумий жиноятчиликка ҳам, хусусан, темир йўл транспортида содир этилган жиноятларга ҳам хос бўлган умумий сабаблар ва шароитлар. Буларга

асосан иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган барча турдаги камчиликлар киради;

2) фақат темир йўл транспортида содир этилган жиноятларга хос бўлган аниқ сабаблар ва шароитлар. Буларга асосан темир йўл транспорти объектларидаги қонунбузилишларни ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи фаолиятидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини етарли даражада ташкил этилмаганлигини киритиш мумкин.

Шундай қилиб, темир йўл транспортидаги жиноятчилик – бу салбий, анча кенг тарқалган, тарихан ўзгарувчан жиноий-ҳуқуқий хусусиятга эга ижтимоий ҳодиса бўлиб, темир йўл транспортининг ўзига хос хусусияти билан белгиланади ва маълум бир вақт ичида унинг объектларида содир этилган барча жиноятларнинг йиғиндисидан иборат, деган дастлабки таърифни шакллантирсак бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маҳаммадалиев Р.Й., Ниязов А.А. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортининг ривожланиш тарихи ва истикболи //CADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Fac.
2. 2024 йилда ҳаво транспорти ва темирйўл орқали жўнатилган йўловчилар сони маълум қилинди // <https://monitor.kun.uz/kr/news/2025/02/02/2024-yilda-havo-transporti-va-temiryol-orqali-jonatilgan-yolovchilar-soni-malum-qilindi>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 март кундаги “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229-сон қарори // <https://www.lex.uz/ru/docs/4229310?ONDATE=07.03.2019>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
5. Кургузкина Е.Б. К вопросу о криминологической характеристике преступности // Журнал: НАУЧНЫЙ ПОРТАЛ МВД РОССИИ № 2 2008, - С.55-58.// [file:///C:/Users/Acer/Downloads/k-voprosu-o-kriminologicheskoy-harakteristike-prestupnosti%20\(2\).pdf](file:///C:/Users/Acer/Downloads/k-voprosu-o-kriminologicheskoy-harakteristike-prestupnosti%20(2).pdf).
6. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаментида олинган статистик маълумотлар
7. Попова В.В. Преступления, совершаемые на железнодорожном транспорте: криминологическая характеристика // Журнал: Право и государство: теория и практика, 2020. –С. 150-155.// <https://cyberleninka.ru/article/n/prestupleniya->

sovershaemye-na-zheleznodorozhnom-transporte-kriminologicheskaya-harakteristika

8. Ястребов В.Б. К вопросу о понятии криминологической характеристики преступлений // Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 37. М., 1982. С. 15.

